

Шаҳноза Бахтиёр қизи

ТАСАЛЛИ

Шеърлар



Тошкент,
«Истиқлол» — 2007

84(5Ў)6
Б37

Бахтиёр қизи, Шаҳноза.


Тасалли: Шеърлар / Ш.Бахтиёр қизи. – Тошкент:
Istiqlol, 2007. – 24 б. – ISBN 978-9943-338-21-0.

ББК 84(5Ў)6

Қашқадарёлик ёш қаламкаш Шаҳноза Бахтиёр қизи ҳам назмда ҳам насрда тенг қалам тебратади. Унинг «Тасалли» номли шеърлар тўплами сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилмоқда.

Шаҳнозанинг шеърлари юрт мұхаббати, ёшлиқ сурури билан йўғрилган.

10 34444
091



ISBN 978-9943-338-21-0

© Шаҳноза Бахтиёр қизи
© «Истиқлол нашриёти», 2007.

ТУНЛАР МАЛХАМ ҚҰЯДИ...

Гоҳида ғолибман гоҳида мағлуб,
Гоҳ азоблардан бағрим күяди.
Үтқинчи дунёда юрсада нолиб,
Тунлар юрагимга малҳам қүяди.

Ушалмай орзуладар бўлганда армон,
Чархнинг авзойидан гоҳи дил вайрон.
Паст бўлиб қолсада бошимга осмон,
Тунлар юрагимга малҳам қүяди.

Биламан кўплар меҳр қўйсамда,
Ёлғондан мени ҳам кимдир суюди.
Қайгулар қошида ёлғиз қолсамда,
Тунлар юрагимга малҳам қўяди.

Одамни тафтини одам олади,
Эртага бизлардан нима қолади.
Менинг дардларимни ким ҳам билади,
Тунлар юрагимга малҳам қўяди.



СЕНДАН СҮРАЙМАН

Майин-майин эстган шабода,
Нолаларим кезгай самода.
Күрмадингми, айтгин, мободо,
Мен ёримни сендан сүрайман.

Йүқотганман қалб озоримни,
Авораман топмай ёримни.
Сүроқлайман дилда боримни,
Мен ёримни сендан сүрайман.

Ёдга олсам ўртанаар диллар,
Узоқларга чўзилган йўллар.
Тўлқинланиб мавж урган қўллар,
Мен ёримни сендан сүрайман.

Бу айрилиқ қалбимни доғлар,
Тилим лолдир, юрагим йиғлар.
Булутларга интилган тоғлар,
Мен ёримни сендан сүрайман.



НАВРҮЭ

Оламга нур сочиб келибсан баҳор,
Софиндим мен сени, сүнмагин зинҳор.
Юракдан битилган ғазалларим бор,
Юртимизга ҳуш келибсан наврўзим.

Майсалар тўшалган кўм-кўк далалар,
Юраклар жўш уриб қувнагай диллар.
Гулларга бурканди ҳаттоқи чўллар,
Юртимизга ҳуш келибсан наврўзим.

Келишингни кутдик бизлар интизор,
Мустақил юртимнинг кўрки навбаҳор.
Сен билан барчамиз кўришдик дийдор,
Юртимизга ҳуш келибсан наврўзим.

Тинч юртим қуёши чиқди чарақлаб,
Тупроғин қўзимга суртай ардоқлаб.
Шаҳноз шеър битарди сенга дил боғлаб,
Юртимизга ҳуш келибсан наврўзим.



КЕКСАЛАР

Чинаккам забардаст бўлган билаклар,
Кексариб қолса ҳам тошни бўлаклар.
Йигитлик ҷоғларин эслаб ёшларнинг,
Бир суюнган тоғи бўлар кексалар.

Ғанимат эрурлар ота ҳам она,
Фарзандлар бошида бўлгай парвона.
Сўзлаганда ҳар бир сўзи дурдона,
Юзидан нур ёниб турар кексалар.

Авайланг дилини оғритмасдан ҳеч,
Ўксимай сизлардан яшасинлар тинч.
Қалбимиз гулшани белимизга куч,
Ҳаётимиз боғи бўлар кексалар!



ОНА МЕХРИ

Үйингдаги ёниб турган чироғинг,
Күёш бўлиб нур таратган яроғинг.
Оқ сут берган сенинг ҳаёт булоғинг,
Мехри жўшқин, она мисли қуёшdir.

Она меҳри кезиб юрар ҳар ёна,
Воҳ десанг сен дили бўлар вайрона.
Фарзанд учун доим бўлган парвона,
Мехри жўшқин, она мисли қуёшdir.

Бешикгингни тебратган у ухламай,
Бўлармикан оналарни йўқламай.
Дилбандингиз ўтmas қўнглин тўқламай,
Мехри жўшқин, она мисли қуёшdir.



ЎЗБЕКИСТОН

Илҳом олдим боғларингдан,
Баланд, қорли тоғларингдан.
Ичдим зилол сувларингдан,
Ўзбекистон жаннатмакон!

Кучоғингда доим баҳор,
Унитмайман уни зинҳор.
Жаннатмакон жойларинг бор,
Ўзбекистон боғу бўстон.

Амир Темур соҳибқирон,
Дилда мангу Туркуурон.
Ўғлонлари кўкси қалқон,
Ўзбекистон жаннатмакон.



МУАЛЛИМ

Таълим бериб ўқитгансиз бизларни,
Вақт ўтса ҳам унитмаймиз сизларни.
Босиб ўтдик қишу баҳор, ёзларни,
Таълим берган муаллимим, муаллим.

Зиёлардан равшан бўлди кўзимиз,
Бебаҳодир ҳар бир сўзингиз.
Минг ташаккур соғ-саломат бўлингиз,
Таълим берган муаллимим, муаллим.

Қалбимиз пок, илм сари чорлайсиз,
Илм олиб тинмагаймиз, толмаймиз.
Сиз туфайли илм завқин сургаймиз
Таълим берган муаллимим, муаллим!



СЕН АРМОНСАН

Сен чолғусан ҳофизлар чалган,
Истиробсан кимларга ботган.
Сен севгисан юрак түхтатган,
Сен армонсан соғинч тарк этган.

Сен кулсан эй олови ўчган,
Сен нурсану қүёши ботган.
Сен тұғонсан денгизи күчган,
Сен армонсан соғинч тарк этган.

Сен гулсану баҳор күрмаган.
Сен ёмғирсан қорни эритган,
Сен ўша ёш, күзлар сезмаган,
Сен армонсан соғинч тарк этган.

Сен чолғусан ҳофизлар чалган,
Истиробсан кимларга ботган.
Сен севгисан юрак түхтатган,
Сен армонсан соғинч тарк этган.



ТАСАЛЛИ

Хастаман деб йиглама, синглим,
Дунёлардан безорман дема.
Онамни ҳам бекор қийнама,
Кунлар ўтаверар ғам ема.

Азоб шундай... танингдан ўтар
Яратган яхшига беради бир дард...
Иродангки бунга мустаҳкам,
Кўчандай бир гард...

Хастаман деб йиглама, синглим!..



МУҲАББАТ

Сени ёлғиз учратдим,
Учратдиму йўқотдим.
Қайғу аламга боттим,
Хайр энди, Мұҳаббат!

Сени тонгда уйғотдим,
Сени тунда ухлатдим.
Соғинчларда ўйлатдим,
Хайр энди, Мұҳаббат!

Кўз ёшларим сезмади,
Мени қалбдан сезмади.
Баҳоримда кезмади,
Хайр энди, Мұҳаббат!

Бағрим қондир сўзингдан,
Кўзим юмдим изингдан.
Зор йиғладим созингдан,
Хайр энди, Мұҳаббат!



БАЪЗИЛАР...

Не бўлса баъзилар ўзим бўлай дер,
Бу дунё меники ўзим қолай дер.
Ҳаёт лаззатини ўзим тотай дер,
Шундайин инсонлар бордир дўнёда .

Гар кетса дунёда нопок кўпайиб,
Қалби пок кишидан излашар айиб.
Унтар ўзлигин чўнтак қоппайиб,
Шундайин инсонлар бордир дўнёда .

Худога аёндир барчасин кўрагар,
Кимлардир бироннинг устидан кулар,
Билмадим бу ишдан қандай наф олар,
Шундайин инсонлар бордир дунёда .



БАҲОР

Сен фасллар келинчагисан,
Оналарнинг беланчагисан.
Болаларнинг овунчоғисан,
Кел, баҳорим, кела қолгин, кел.

Марваридми, ёғмоқда ёмғир,
Майин шамол эсади фир-фир.
Баҳор куни ўзгача хузир,
Кел, баҳорим, кела қолгин, кел.



БОБОЖОН

Қадрдоним, меҳрибоним, бобжонгинам,
Дардингизга бўлолмадим минг афсус малҳам.
Ёдга олсан юрагимни ўртайверар ғам,
Мангуга ёдимда сақлайман сизни.

Ёдга олиб руҳингизни мен шод этарман,
Мадҳингизга чин юракдан шеър битарман.
Яқиндирсиз гарчи бундан узоқ кетарман,
Мангуга ёдимда сақлайман сизни.



* * *

Сиз менинг ҳаётим бир бўлагисиз,
Фаму шодликларни бирдик ҳушлаган.
Сиз менинг қалбимга ёқсан оловсиз,
Кўзларим алдаган, тун-кун ёшлаган.


Бугун сиз тинглайсиз дардларим фақат,
Ожиз бир ошиққа ўхшайман ўзим.
Кечиккан кўнгилга қилмайсиз тоқат,
Шундоқ севгингизни яширасиз жим.



СОФИНЧ

Сўнгти бор кўрсайдим қанийди сени,
Ҳижрон азобидан куйди юрагим.
Софинч туйгулари қийнайди мени,
Кетма узоқларга, менинг керагим.

Уйкум келмас энди тунлари бедор,
Софинч сўзларим ҳам тугамас зинҳор.
Ҳамон кутаяпман, ҳамон интизор,
Қалбларимиз жўшқин мисли бир баҳор.



ЕНГИЛ НАСИХАТ...

Дунёдор деб ўзингни,
Ҳар балога урмагин.
Шира тутиб кўзингни,
Пушоймонда турмагин.

Виждон пулга сотилмас,
Гар кишида бўлмаса,
Келиб кўзга кўринмас,
Ўзи фикр қилмаса.

Ишонмагин борингга
Қараб кўргин ҳолинга,
Эртани ҳам ёдга ол,
Қаст қилмагин жонинга.

Тўғрилардан тўғри бўл ,
Сенинг учун ўша йўл,
Эгриликка йўл қўйма,
Насиҳатим сенга шул.



* * *

Ким ўқиб олмаса донолар сўзин,
Ҳар ёнга боқмаса, очмаса кўзин,
Бирорни камситиб шер билса ўзин,
Бил унда номардлик балоси бордир.

Бундайлар узоққа боролмас асло,
Суянчиқ бўлмаса юролмас асло.
Ўзгаларни зимдан кўролмас асло,
Одамнинг ичидаги оласи бордир.

Хуноб этар ота-онасини ҳам,
Дилин сиёҳ қилиб этади мулзам.
Сўнг пушоймон бўлиб кечир деса ҳам,
Кечирса-да, юрак ноласи бордир...



ҮЗЛИГИНГНИ ЙҮҚОТМА

Дил сүзларим бу кун айлайин баён,
Худбинлик кишига бўлажак зиён.
Очилиб сирлари бўлар намоён,
Хатога йўл қўймай ўйласин ҳар ким,
Ўзлигин йўқотмай сўзласин ҳар ким.

Бахтини топгайдир ким меҳнат қилса,
Бири икки бўлмас гар нопок бўлса,
Дўнёдан оҳ чекиб ўтмайин деса,
Хатога йўл қўймай ўйласин ҳар ким,
Ўзлигин йўқотмай сўзласин ҳар ким.

Тўғри йўл яхшидир йироқ бўлса ҳам,
Ширин сўз дилларга бўлади малҳам,
Бўлмасин десалар кўзларида нам,
Хатога йўл қўймай ўйласин ҳар ким,
Ўзлигин йўқотмай сўзласин ҳар ким.

Адашиб бегумон юрсада жайрон,
Дуч келиб шеърга ем бўларди шу он,
Шаҳноз дер бу ишдан бўлмангиз ҳайрон,
Хатога йўл қўймай ўйласин ҳар ким,
Ўзлигин йўқотмай сўзласин ҳар ким.



КЕЧ БҮЛАР

Бүтадай бўзладим кўринмас сарбон,
Ёнарман ишқида юракда армон.
Қолмади танамда найлайнин дармон,
Биламан қайтасиз, кеч бўлар унда.

Тош бўлди тоғларда менинг кўрганим,
Чўлу саҳроларда қолди юрагим.
Бир фасл очилиб гулдек сўнганим,
Кай фасл қайтасиз, кеч бўлар унда...

АЁЛ ҚАЛБИ

Аёл қалби меҳрдан яралганми,
Аёл қалби дарёдай буралганми...
У ким учун яшар, яшайди дейсиз,
Аёл ўзи ИШҚида яралганми.

Биз ҳам яшаяпмиз ҳамиша кулиб,
Бор дунёнинг ташвиши бўлиб.
Биз яшаймиз кимни унитиб,
Барча азобнинг бор йўғи сенда!



ОНАЖОНЛАР

Фарзанд учун жонин фидо этганлар,
Йироқ кетса, кун-тун бедор кутганлар.
Дили дарё, ўзин тетик тутганлар,
Бахтимизга омон бўлинг оналар.

Сизлар борки бўлмагаймиз асло хор,
Сизсиз бизга мисли дунё бўлур тор.
Қалбимизда гулловчи гул баҳор,
Бахтимизга омон бўлинг оналар.

Сочингизга оқ оралаб турса ҳам,
Сабр билан тинглагайсиз сиз ҳар дам.
Кулиб юринг, тортманг қайғу чекманг ғам,
Бахтимизга омон бўлинг оналар.



ИЛТИЖО

Йўлиқдим жиловсиз оби тезобга,
Жонимни қўйибон билмай азобга.
Сенинг измингдаман, дарёйи азим,
Шавқатсиз бўлмагин, миниб ғазабга.

Забонсиз Жайхунга ғаму, аламсан.
Кимларга меҳрибон кимга ажалсан,
Кимлардир домингга бўлсалар дучор,
Менга сен тор бўлиб ётган уммонсан.

Оллоҳ бандасиман нима ҳам қиласай,
Имкон бер ўтарга, садағанг кетай.
Ҳар кимса ҳайқириқ оқишиларингдан,
Қисматим кўлингда, энди мен нетай.

Инсон бор ўлимдан қутилмас қочиб,
Тинчлангин Жайхуним, кучоғинг очиб.
Кимлардир интизор менинг йўлимга,
Даҳшат тўлқинингдан ўтайин кечиб!



МУНДАРИЖА

Тунлар малҳам қўяди	3
Сендан сўрайман	4
Наврўз	5
Кексалар	6
Она меҳри	7
Ўзбекистон	8
Муаллим	9
Сен армонсан	10
Тасалли	11
Муҳаббат	12
Баъзилар	13
Баҳор	14
Бобоҷон	15
Сиз менинг ҳаётим бир бўлагисиз	16
Софинч	17
Енгил насиҳат	18
Ким ўқиб олмаса донолар сўзин	19
Ўзлигингни йўқотма	20
Кеч бўлар	21
Аёл қалби	21
Онажонлар	22
Илтижо	23

Шаҳноза Бахтиёр қизи

ТАСАЛЛИ

Шеърлар

Муҳаррир *P. Субҳон*
Мусаввир *A.Хасанов*
Саҳифаловчи *C.Пўлатов*

Босишига руҳсат этилди 21.12.2007 й. Бичими 60×84 1/₁₆.
Нашр табори 1,5. Адади 100 нусха.

«Истиқлол нашриёти»,
Тошкент 100129, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № Г 35.
«Раззоқов О.Ж.» ХТ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент 100129, Навоий кўчаси, 30. Буюртма № 160.